МИЛЛИЙ ГАЗЛАМА ДИЗАЙНЕРЛИК ТЕРМИНЛАРИДА ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТ

М.А.Алиева

Мақолада ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларида парадигматик муносабат турлари атрофлича ёритилган. Ўзбек миллий газлама номлари ўртасида ўхшашлик муносабати семантик ўхшашлик, формал ўхшашлик, функционал ўхшашлик жиҳатлари бўйича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *парадигматик, семантик ўхшашлик, формал ўхшашлик, функционал ўхшашлик, денотат,сигнификат, газлама, умумийлик, хусусийлик.*

В статье обьективно освещаются виды парадигматической связи дизайнерских терминов узбекской национальной ткани. Порведен анализ семантических, формальных, функционалных сходств в названиях узбекских национальных тканей.

Ключевые слова: *парадигматические, семантическое сходство, формальное сходство, функциональное сходство, денотат, сигнификат, ткань, общность, особенность.*

Paradigmatic relations in the terms of national fabric designing are covered thoroughly in the article. Analysis of features of such relations of similarity as semantic similarity, formal similarity, functional similarity amongst names of Uzbek national fabrics are carried out.

Key words: *paradigmatic, semantic similarity, formal similarity, functional similarity, denotation, signification, fabric, generality, privacy.*

Объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар моддий ёки мавҳум бўлишидан қатъи назар, улар бизнинг онгимизда таснифланган, маълум бир гуруҳларга бўлинган тарзда яшайди, яъни оламнинг ўзи алоҳида категориялардан иборат. Бу категориялар онгимизда кўплаб алоқалардан иборат бўлган мураккаб структуралар сифатида шаклланган бўлади. Бу мураккаб структуралар элементлари бир-бирлари билан муносабатда бўлади.

Ф.де Соссюр тилшунослар диққатини лисоний бирликлар орасидаги муносабатни очишга қаратиб, муносабатнинг парадигматик ва синтагматик турлари мавжудлигини кўрсатган эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, муносабатлар деганда бир бутунликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғланишлар тушунилади. Тил бирликлари ўзларининг структур, функционал белгиларига кўра турли муносабатларда бўлади.

Парадигма грекча paradigma – намуна, ўрнак сўзларидан олинган бўлиб, тил системаси элементларининг йиғиндиси маъносида ишлатилади [1.31]. Ёки тилдаги ўхшашлик қаторларига парадигма дейилади [2.9]. Парадигматик – бу танлаб, сайлаб олиш муносабатидир. У тил бирликлари орасида ўхшашлик ва фарқланишга асосланади. Фарқловчи (дифференциал), фарқланмайдиган (нодифференциал) белгилар парадигмани аниқлашга хизмат қилади.

Ўзаро ўхшашлик ва фарқлилик парадигматик муносабатларнинг асосий кўринишидир [3.13]. Айтилганлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: инсон оламдаги нарса ва ҳодисаларни синфларга ажратишда, уларни тур ва жинсларга, муайян маъно гуруҳларига бўлиб чиқишда, энг аввало, улар ўртасидаги муносабатлар тизимига асосланади.

Масалан, *атлас* ва *банорас* лексемаларини олиб кўрайлик. Уларни бир ерга тўплаш имконини берадиган ўхшаш томонлари қуйидагилар:

1. Ҳар иккаласи ҳам газлама (маълум мақсад учун фойдаланиладиган мато). 2. От, турдош от, якка от, аниқ от, турланади.

Фарқловчи семаси *ипак газлама*, яъни *атлас* ипак газлама, *банорас* ипак газлама эмас. Ёки *банорас* пахта ипидан тўқилган газлама, *атлас* эса пахта ипидан тўқилмайди. Бунда сўзлар маълум бир семантик белгилари, яъни қандай ипдан тўқилганига қараб ўзаро қарама-қарши қўйилиб, ўхшашлик ва фарқлилик юзага чиқяпти.

Кўринадики, ўхшашлик муносабатида бир бутуннинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўхшашлик белгилари тушунилади. Ўхшашлик белгиларини 3 турга бўлиб оламиз:

1. Семантик ўхшашлик (маъно жиҳатдан яқин бўлган лексемалар)

2. Формал ўхшашлик (тузилиш жиҳатдан ўхшаш бўлган лексемалар)

3. Функционал ўхшашлик (вазифа бажаришига кўра ўхшашлик)

1.Семантик ўхшашлик муносабатидаги лексемалар

Семантик ўхшашлик муносабатидаги лексемалар ўзларининг маъно жиҳатдан яқинлиги асосида бир бутунга бирлашади, умумий семага таянади. Бошқача айтганда, бу ўхшашлик муносабати маънодошлик (синонимия)ни юзага келтиради. Биз аниқ биламизки, шаклий жиҳатдан ҳар хил, аммо маъноси бир-бирига яқин сўзлар синоним сўзлар дейилади. Демак, семантик ўхшашлик муносабатида маънодошлик (синонимия) ҳосил бўлар экан.

Қуйида газлама дизайнерлигига оид лексемаларни таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, *дазмолламоқ, кудунгламоқ, текисламоқ.* Бу лексемалар ўзаро синоним бўлса ҳам, ишлатилиш вазифасига нисбатан бир хил эмас. Биз ўрганаётган ўзбек миллий газламалар тематик гуруҳига *кудунгламоқ, текисламоқ* лексемалари хос бўлиб, *дазмолламоқ* лексемаси бу тематик гуруҳга кирмайди. Чунки *дазмолламоқ* деганда, биз бирор нарсани дазмол ёрдамида текислашни тушунамиз, кўпроқ бирор кийим дазмолланади. Газлама лексемасига дазмолламоқ сўзи мантиқан тўғри келмайди, газлама тикувчининг қўлига ўтгандан кейингина дазмолланади, яъни бошқа жараёнга ўтади. Солиштиринг: *газлама кудунгланди (текисланди), газлама дазмолланди*.

Ушбу ҳолатда денотат текислаш жараёнини билдиради. Сигнификат бирор нарсани силлиқ қилишни англатади. Ифодага келсак, улар синоним бўлса-да, ўзаро хусусий белгиларига кўра фарқланади. Ушбу сўзларнинг лексик маъноларини кўриб чиқсак:

Текисламоқ – баланд паст, ғадир-будурларини йўқотиб, текис, силлиқ қилмоқ. *Ерни текисламоқ, тахтани текисламоқ, кўчани текисламоқ* [4.155].

Дазмолламоқ – дазмол босиб текисламоқ, ғижимини ёзмоқ, силлиқ қилмоқ. (Дазмол – форсча, қиздириб кийим-кечак, газлама ва шу кабиларни текислайдиган, ғижимини ёзадиган металл асбоб). *Кўйлакни дазмоллади, кирларни дазмоллади* [5.205].

Кудунгламоқ – тўқилган матони уриб текислаш, силлиқлаш ва унга жило бериш, кудунг ёрдамида газламани текисламоқ.(Кудунг –тўқилган матони уриб текислайдиган тўқмоқсимон ёғоч асбоб). *Кудунгар газламаларни тахлади.*

Лексик маъноларидан маълум бўлдики, *текисламоқ* лексемасининг маъноси кенгроқ, умумийлиги кучлироқ. *Текисламоқ* сўзи ҳар хил объектга нисбатан ишлатилиши мумкин. *Дазмолламоқ* фақат дазмолланиши мумкин бўлган объектга ишлатилса, кудунгламоқ сўзининг ишлатилиши ундан-да торроқ диапозонга эга, яъни фақат газламага нисбатан ишлатилади. Кўринадики, текисламоқ лексемаси умумийлик белгисига эга бўлса, дазмолламоқ унга нисбатан хусусий, кудунгламоқ эса яна ҳам хусусийроқдир. Демак, бу ҳолатда нимани текислаш учун ишлатилади деган нуқтаи назардан ушбу лексемалар градацияланади.

Шу маънода синонимлар билан боғлиқ парадигмаларнинг ҳосил бўлишида тубандагиларни ҳисобга олиш зарур.

1.Сўз учун асос вазифасини ўтаётган идрок объекти – денотатни.

2.Тушунча – сигнификатни.

3.Ифода (лексема)ни [6.132]

Сўз учун асос вазифасини ўтаётган объект – денотатда умумийлик белгиси мавжуд бўлади, турли лексемалар айни бир объектни номлаш учун ишлатилади. Масалан *атлас* денотат бўлсин, унинг турли лексемалар билан ифодаланишини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин:

1-чизма



Денотатга боғлиқ ҳолда тушунча моҳияти ҳам сақланиб қолади. Фақат уларнинг ифодаси (лексема) маънодош сўзлар қаторини ҳосил қилади. Буни қуйидаги чизмада кўрсатиш мумкин.

2-чизма



Бу ҳолатда денотат тўқиб ёки бошқа йўл билан тайёрланган матони билдиради. Сигнификат тикиш учун тайёрланган турли хил материални билдиради. Объектнинг ифодаси бўлган *газлама, мато, газмол, лахтак, мата* лексемалари маънодош сўзлар қаторини ҳосил қилмоқда. Мисоллар: *Йўлчи уч ҳафтадан бери шаҳарда... ҳар куни аравада газлама ташийди* (Ойбек). *Пахта ипдан тўқилган мато. Ип мата. Ҳасаналининг ҳужраси Отабекники билан бир қаторда бўлиб, газмол, пойафзал ва шунинг сингари моллар ила тўлган* (А.Қодирий). *О, кошки эди унинг офтобда куйиб, совуқда зирқиб қолган кичкинагина гавдачасига кўйлак чиққулик бир парча лахтак топилса!* (М.Исмоилий).

Бу ҳолат кўпроқ от сўз туркумида учрайди, бундай вазиятларда кўпроқ бошқа тиллардан кирган сўзлар эвазига ҳосил бўлиши кузатилади. Жумладан, *мато* арабча сўз бўлса, *газмол* форсча сўздир.

Бу каби маънодош сўзлар, асосан, мавҳум хусусиятга эга бўлиб, ҳаракат ва ҳолатни, белгини, инсоннинг руҳий, маиший ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ бўлган тушунчалар ифодаловчи семантик майдонларда учраши билан характерланади.

2.Формал жиҳатдан ўхшашлик

Миллий газламалар тематик гуруҳига кирувчи лексемаларнинг формал жиҳатдан ўхшашлик муносабати ҳақида гапирганимизда, лексемаларнинг тузилиш жиҳатидан ўхшашлигига эътиборни қаратамиз.

Миллий газламалар тематик гуруҳига кирувчи лексемалар тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Содда лексемалар.

2. Мураккаб лексемалар.

Содда лексемалар ўз ичида иккига бўлинади: а) содда туб ва б) содда ясама. Содда туб лексемалар: *атлас, банорас, адрас, алача, беқасам* каби. Содда туб лексемаларнинг тузилиш жиҳатидан ўхшаш бўлган лексемаларнинг қуйидаги қурилма қолипларини кўрсатишимиз мумкин (У-унли товуш, Х-ундош товуш):

1. Бир бўғинли лексемалар:

а) УХ – *ип, аб* (нақшли газлама), *аж* (тўқ сариқ рангли ипак кийимлик) каби.

б) ХУХ – *чит, бўз, шол* каби.

2. Икки бўғинли лексемалар:

а) УХУХ – *ипак, алак* каби.

б) ХУХУ – *суси, шойи, мата, хоса, гула, шоҳи* каби.

в) ХУХУХ – *бутар, кудунг, ҳарир, мовут, тивит* каби.

г) УХХУХ – *атлас, адрас, анжом, асбоб, алвон* каби.

д) ХУХХУХ – *ғалтак, барқут, бахмал, зарбоф, кимхоб, кундал* каби.

3. Уч бўғинли лексемалар:

а) ХУХУХУ – *калава, қалами, духоба, касана (ёлланган ҳунарманд)* каби.

б) ХУХУХУХ- *беқасам, банорас, савалаш, йиғириш, қуритиш* каби.

в) УХУХУХ- *ивитиш, охорлаш, кудунгар, адрасбоф (адрас тўқувчи уста)* каби.

Лексемаларда бўғин сони кўпайган сари унинг қурилма қолиплари вариантлари ҳам шунча кўпаяди. Бу қурилма қолиплари турли хил бўлиб, уларга жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

Содда ясама лексемаларнинг қуйидагича қурилиш қолипларини келтириш мумкин:

1. Л+-чи: *тўқувчи, бўзчи, пайвандчи, бўёқчи (ранг берувчи), арқовловчи, калавачи, чокчи* каби.

2. Л+-фуруш: *читфуруш, шойифуруш, газламафуруш, ипакфуруш* каби.

3. Л+-гар: *кудунгар* (матони кудунг ёрдамида тикисловчи уста), *читгар* (чит ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган шахс) каби.

Содда ясама лексемаларнинг бу қолипларини умумлаштириб қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

ЛМ+ГМ (ЛМ-лексик морфема, ГМ-грамматик морфема).

Юқорида келтирилган ҳар бир мисол ушбу қолипга тушади. Аммо ўзбек тилида миллий газлама

тематик гуруҳига кирувчи *адрасбоф (адрас тўқувчи уста), рангрез (матони бўёвчи уста)* каби форстожик тилидан кирган сўзлар борки, улардаги шахс отини ясовчи (*-боф, -рез*) қўшимчалар ҳозирда ўзбек тилида сўз ясамайди. Улар айнан шу сўз билан бирга қабул қилинган.

Тузилиши жиҳатидан мураккаб лексемалар, асосан, составли лексемалардир. Тўғри, *гулнамозшом, баргикарам* каби қўшма лексемалар ҳам мавжуд, аммо улар кам. *Гулабардор (*читга гул босувчи уста, бунда *гула* қолипни билдиради*)* каби форс-тожик тилидан кирган қўшма сўзлар ҳам бор. Аммо бу сўзлар ҳозирда ишлатилмайди. Гула ёғочдан ўйиб ясалган қолип бўлиб, ҳозир унинг ўрнига резинали қолиплар ишлатилмоқда.

Составли лексемаларнинг қуйидаги қолипларини кўрсатишимиз мумкин:

1. Равиш+феъл: *зич тўқиш, аралаш тўқиш* каби.

2. Сифат+от: *қизил атлас, кўк атлас, қора атлас, сариқ атлас, шахмат атлас, кубба атлас, яҳудий атлас, хонатлас* каби.

3. Сон+от: *саккиз тепки, тўрт тепки* каби.

4. От+от: *Марғилон хонатласи, Самарқанд оқшоми, Марғилон машъали* каби.

3.Функционал жиҳатдан ўхшашлик

Функционал ўхшашлик муносабатидаги лексемалар бирор вазифасини бажаришига кўра ўхшашлик белгисига асосан бир гуруҳга бирлашади. Бу ҳолда бирор вазифани бажариши умумий белгиси бўлса-да, қандай вазифани бажариши билан ўзаро фарқланади. Масалан, *тайёрламоқ* жараёнини ифодаловчи лексеманинг маъноси бирор жараённи билдиради. Масалан, *тозалаш, оҳорлаш, бўяш, савалаш, калавалаш* каби. Савалаш, калавалаш жараёнлари биринчи босқичда бўлса, бўяш, оҳорлаш иккинчи босқич, тозалаш учинчи босқичда бажарилади. Бу лексемалар жараён номлари билдириши билан бир гуруҳга бирлашса, бажарилиш муддати билан фарқланади. Бу жараёнларнинг бажарилиш муддати аниқ белгиланган.

Мисол учун *текисламоқ* лексемасини олиб кўрайлик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, умумий маъноси *бирор нарсани текислаш* бўлса, нимани текислаш, нима ёрдамида текислашни ифодалашига қараб хусусий маъноларга ажратилади. Мана шу вазифага қуйидаги лексемалар киради: *кудунгламоқ* (кудунг ёрдамида текисламоқ), *дазмолламоқ* (дазмол ёрдамида текисламоқ), Демак, *текисламоқ, кудунгламоқ, дазмолламоқ* каби лексемаларини вазифасига кўра бир гуруҳга бирлаштиришимиз мумкин экан. Уларнинг умумий вазифаси, юқорида айтганимиздай, бирор нарсани текислаш, хусусий вазифаси эса нима ёрдамида текислашдир. Ёки *ранг бермоқ, бўямоқ, ариизламоқ* каби лексемалар ҳам умумий вазифасига кўра бир гуруҳга бирлашади. Бу гуруҳда *бўямоқ* сўзи фаол бўлиб, *ариизламоқ* сўзи ҳозир ишлатилмайди. Қадимда *рангрез* деб бўёқчи уста аталган бўлса, матоларни бўяйдиган жойни *ариизхона* деб аталган.

Функционал ўхшашлик муносабатидаги лексемаларни умумий семаси бир гуруҳга бирлаштирар экан, лекин уларнинг хусусий маънога эга эканлиги уларни бир-биридан фарқлайди.

3 -чизма

Текисламоқ лексемасининг умумий ва хусусий маънолари



Хулоса қилиб айтганда, миллий газлама номлари ўртасида парадигматик муносабат муносабатлар тизимига асосланиб, ўзаро ўхшашлик ва фарқлиликка таянади. Ҳар бир тил бирлигининг ўзига хос турли белгилари мавжуд бўлиб, маълум белгисининг бошқа тил бирлигининг шунга ўхшаш бўлган белгисига асосланиб, у тил бирлиги билан бир парадигмага бирлашади, айни пайтда бошқа белгиси билан бўлак парадигма аъзоси бўла олади. Маълум парадигма ичидаги элементлар ўхшашлик белгиси билан бирлашса, фарқлилик белгиси билан бир парадигма таркибида бири иккинчисидан фарқланиб туради.

Адабиётлар:

1.Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1973.

2. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг систем лексикологияси асослари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

3. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.- Т.: Ўқитувчи.

4.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.II том. –М.: Рус тили, 1981.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том.- М.: Рус тили, 1981.

6.Собиров А.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш.- Т.: Маънавият, 2004.

Андижон давлат университети,
2017 йил 22 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)